



ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ТОМОНИДАН ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР СОДИР ЭТИЛИШИГА ИМКОН БЕРУВЧИ ШАРТ-ШАРОИТЛАР ВА УНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Г.А.Мирсалихова

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, Тезкор-қидирув фаолияти
кафедраси катта ўқитувчиси.

Аннотация. Мақолада вояга етмаганлар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш фаолияти тушунчаси ва уни таҳлили, вояга етмаганлар жиноятчилигининг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш фаолиятининг амалиёт натижалари ўрганилган шунингдек, вояга етмаганлар жиноятчилигини олдини олиш самардаорлигига оид таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: вояга етмаганлар, жиноятчилик, қонунчилик, жиноятлар профилактикаси, илғор методлар, тажриба, жиноятчилик даражаси.

УСЛОВИЯ, ДОПУСКАЮЩИЕ СОВЕРШЕНИЕ ПРАВОНАРУШЕНИЙ НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИМИ, И СПОСОБЫ ИХ УСТРАНЕНИЯ

Г.А.Мирсалихова

Старший преподаватель кафедры оперативно-розыскного права Академии
МВД Республики Узбекистан.

Аннотация. В статье изучены понятие и анализ деятельности по профилактике преступности несовершеннолетних, причины преступности несовершеннолетних и практические результаты определения условий, способствующих ее возникновению, и их устранению, а также предложения и рекомендации по эффективности профилактики преступности несовершеннолетних.

Ключевые слова: несовершеннолетние, преступление, законодательство, профилактика преступлений, передовые методы, опыт, уровень преступности.

CONDITIONS THAT ALLOW MINORS TO COMMIT OFFENSES AND WAYS TO ELIMINATE THEM

G.A.Mirsalihova

Senior lecturer at the department of operative-investigative law of the Academy of
the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan.



Annotation. The article examines the concept and analysis of activities for the prevention of juvenile delinquency, the causes of juvenile delinquency and the practical results of determining the conditions contributing to its occurrence and their elimination, as well as proposals and recommendations for the effectiveness of the prevention of juvenile delinquency.

Key words: minors, crime, legislation, crime prevention, best practices, experience, crime rate.

Бугунги кунда Республикада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этилишига қарши курашиш, профилактик таъсир-чораларини амалга ошириш ҳамда вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қатор мақсадли чора-тадбирлар: вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш; вояга етмаганларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш; уларга нисбатан тайинланадиган жиноий жазоларни янада либераллаштириш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид кенг кўламли тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борада амалга оширилаётган ишлар шахсан давлат раҳбарининг назоратида эканлиги, барчани бирдек ўз вазифасини вижданан ва сидқидилдан бажаришга ундейди. Президентнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида “Биз жамиятимизда ҳар қандай радикаллашувга, ёшларимиз онгини бузғунчи ёт ғоялар билан заҳарлашга, диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишга, маърифат ўрнини жаҳолат эгаллашига йўл қўймаймиз. Бунинг учун нафақат масъул ташкилотлар, балки барчамиз биргаликда муқаддас динимизнинг инсонпарварлик моҳиятини очиб бериш, фарзандларимизни миллий ва умумбашарий қадрияtlар руҳида тарбиялаш бўйича оила, маҳалла ва таълим масканларида иш олиб боришимиз зарур. Бу муҳим масалада алоҳида Миллий дастур қабул қиласиз” - деган фикрлари орқали Республикамида вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш самарадорлигига эришиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланишини кузатиш мумкин.

Республикамида вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши курашиш чораларини амалга ошириш ҳамда вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қатор мақсадли чора-тадбирлар: вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш; вояга етмаганларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш; уларга нисбатан тайинланадиган жиноий жазоларни янада либераллаштириш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид кенг кўламли тизимли ишлар амалга оширилётган бўлсада, ғайриижтимоий хулқ-атворли ёшлар томонидан ҳамон ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши кузатилмоқда. Жумладан, ёшлар томонидан 2023 йилнинг 6 ойи давомида 13 232 та шундан, ўқимайдиган ва



ишламайдиган ёшлар томонидан 2 177 та жиноятлар содир этилган. Ғайриижтимоий ҳулқ-атворли ёшлар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини таъминлаш долзарб вазифалардан бири саналади. Сабаби, маҳаллаларда, оиласарда вояга етаётган болаларнинг ривожланиши ва руҳиятига ўзининг салбий таъсирини кўрсатиб, келажакда болаларда ғайриижтимоий ҳулқ-атворнинг шаклланишига олиб келади ҳамда потенциал ҳуқуқбузарнинг пайдо бўлишига шарт-шароит яратиб бериши мумкин.

“Ҳаракатлар стратегиясидан - Тараққиёт стратегияси сари” тамойилига асосан ишлаб чиқилган мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш устувор йўналишдан иборат 2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва уни “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат дастури” бўйича Тараққиёт стратегиясидаги вазифаларни бажариш мақсадида вояга етмаганлар жиноятчилигини ўрганиш ва унинг олдини олишнинг тадқиқ этилиши кераклиги ушбу мавзуни ўрганиш зарурати мавжудлигидан далолат беради.

Сўнгги вақтларда ижтимоий тармоқларнинг турли сегментларида оммалашган ва кўплаб мунозараларга сабаб бўлган “Тинч уй”, “WinX”, “Югурасан ёки ўласан” (беги или умри) каби хали вояга етмаган ўсмирларни ўз домига тортаётган ўйинлар ҳам охири ўйинчининг ўз жонига қасд қилиш ҳодисаси билан якунланади. Бундан ташқари ижтимоий тармоқлар орқали атрофига тарафдорларни йиғиб, улар билан ўз жамоасини тузган ҳолда виртуал ўйинлар ташкил этиш ва шу орқали ёшлар ўз фикр ва онги бошқарувини геймер (виртуал ўйин ташкилотчиси) ихтиёрига бериб қўйиши ва бунинг натижасида манипуляция бир шахс қўлига ўтиши билан боғлиқ ҳодисалар ёки ёшларнинг ўз ҳатти ҳаракатларини тўлиқ англаб етмаган ҳолда “Рёдан” халқаро ёшлар ҳаракати сифатида ижтимоий тармоқларда кенг тарқалаётган ғоя (бузғунчи) атрофида бирлашишга уринишлари билан боғлиқ ҳолатлар аввало ота-оанларни қолаверса жамиятда шу жараёнга масъул соҳа вакилларини янада хушёрикка чорлади.

Жиноятчилик шароитлари – жиноятларни бевосита келтириб чиқармайдиган, лекин уларнинг содир этилишига қўмаклашадиган ҳодиса, воқеа ва жараёнларнинг мажмуи бўлиб, ёшлар ўртасидаги жиноятчиликнинг барвақт олдини олишда улар томонидан жиноят содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этилишига имкон берган асосий шарт-шароитлардан бири оиласидаги салбий муҳитнинг таъсири ҳисобланади.

Тадқиқот жараёнида ёшлар томонидан содир этилган жиноятларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар ўрганилганида катта ёшдаги



оила аъзоларининг оиладаги ёшларнинг тарбиясига бепарво муносабатда бўлганлиги, уларнинг таълим олиши, касб-хунар эгаллашлари бўйича вазифаларни бажармаганлиги, вояга етмаганларнинг қаровсизлиги натижасида юзага келган шароит ёшлар томонидан жиноят содир этилишига имкон берганлиги намоён бўлди.

Шу ўринда, атрофдаги бошқа шахсларнинг бепарволиги ҳам ёшлар томонидан жиноят содир этилишига муайян даражада шароит яратганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим.

Вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этилишига имкон берган шарт-шароитлардан яна бири таълим муассасалари томонидан таълим-тарбия ишларини амалга оширишдаги муаммолар, бу жараёнда йўл қўйилаётган камчиликлардир.

Ўрганилган жиноят ишлари доирасида мазкур омил қўплаб ҳолатларда ёшлар томонидан жиноят содир этилишига имкон яратган.

Шу билан бирга, Вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этилишига хуқуқий билимларнинг етарли эмаслиги, ўзининг хуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонуний йўлларини билмаслик, шахсда шаклланган ахлоқ, қонун нормаларига, жамият, давлат ва бошқа фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликлари, манфаатларига беписандлик билан қарашда ифодаланган хулқ-автор сабаб бўлганлигини таълим муассасаларидаги таълим-тарбия жараёнида йўл қўйилган бепарволик, ёшларнинг келгуси тақдирига нисбатан жавобгарлик ҳиссининг етишмаслиги билан боғлиқ ҳолат сифатида изоҳлаш мумкин.

Вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларга ёшлар ўртасидаги хуқуқбузарликларнинг профилактикаси билан шуғулланувчи ташкилотлар фаолиятида учраётган муаммолар, бу жараёнда йўл қўйилаётган камчиликлар ҳам киради.

Жабрланувчилар томонидан моддий қимматликларни сақлаш, қўриқлашнинг қониқарсиз аҳволдалиги ҳам ёшлар томонидан ўзгалар мулкини талон-торож қилиш жиноятларининг содир этилишига маълум даражада шарт-шароит яратган. Хусусан, моддий қимматликларни сақлаш, қўриқлашнинг қониқарсиз аҳволдалиги ушбу мулк эгаларининг ёшлар томонидан содир этилган ўзгалар мулкини талон-торож қилиш жиноятларидан жабрланишига олиб келган.

Худудда видеокузатув воситаларининг йўқлиги (ўрнатилмаганлиги), худуднинг етарлича ёритилмаганлиги ҳам вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этилишига муайян даражада таъсир қилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ёшлар томонидан жиноятларнинг содир этилишига жабрланувчиларнинг виктимлик ҳолати ҳам муайян даражада шарт-шароит яратади. Шу билан бирга жабрланувчининг низоли хулқ-автори уларнинг ёшлар томонидан содир этилган жиноятдан жабрланишига олиб келувчи омил саналади.



Ёшлар томонидан жиноят содир этилишига имкон яратган омиллардан яна бири бу жабрланувчиларнинг ишонувчанлигидир.

Жабрланувчининг ожиз аҳволдалиги (ўта маст, ёш бола, қария, ногирон ва шу каби) ҳам уларнинг ёшлар томонидан содир этилган жиноятдан жабрланишига муайян даражада имкон берган.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этилишига имкон берувчи омиллар сифатида қўйидагилар намоён бўлмоқда:

- ёшларнинг назоратсиз турмуш тарзи (оила аъзолари, маҳалла, таълим муассасаси, меҳнат жамоасининг бепарволиги), вояга етмаганларнинг қаровсизлиги;

- ёшларнинг бандлигини таъминлаш соҳасида учраётган муаммолар;

- болани келгусида муайян касб ёки хунар эгаси бўлишга, жамиятда ўз ўрнини топиши учун зарур билимларни эгаллашга қизиқтириш, йўналтириш бўйича оиласида ва таълим муассасаларида олиб борилиши лозим бўлган ишларнинг етарли даражада эмаслиги;

- ёшларнинг бўш вақтларини самарали ўтказишлари учун зарур шартшароитлар яратиш борасидаги мавжуд муаммолар;

- ёшлар ўртасида олиб борилаётган хуқуқий тарғибот, маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги етарли даражада эмаслиги;

- ёшлар ўртасида хуқуқбузарликларнинг профилактикаси билан шуғулланувчи органларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этиш борасида учраётган муаммолар ва ҳ.к. Хусусан, ўрганилган жиноят ишлари бўйича хуқуқий билимларнинг етарли эмаслиги, ўзининг хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг қонуний йўлларини билмаслик ёшлар томонидан жиноят содир этилишига олиб келаётган омиллардан биридир.

Таҳлилларга кўра, одоб-ахлоқ қоидалари, қонун нормаларига, жамият, давлат ва бошқа фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликлари, манфаатларига беписандлик билан қарашда ифодаланган хулқ-атвор ҳам ёшлар томонидан жиноят содир этилишига олиб келаётган омиллардан биридир.

Ғайриижтимоий ёшлар томонидан содир этилган хуқуқбузарликлар таҳлилидан кўриш мумкинки, Республикада ёшлар томонидан жиноят содир этилишига, асосан, қўйидаги омиллар сабаб бўлмоқда:

- оиласидаги носоғлом турмуш тарзи;

- оиласидаги салбий маънавий-руҳий муҳит;

- шахсада шаклланган ахлоқ, қонун нормаларига, жамият, давлат ва бошқа фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликлари, манфаатларига беписандлик билан қарашда ифодаланган хулқ-атвор;

- хуқуқий билимларнинг етарли даражада эмаслиги, ўзининг хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг қонуний йўлларини билмаслик;

- ғайриижтимоий хулқ-атворга эга катта ёшдаги шахсларнинг ёшларга



салбий таъсири;

– ёшларнинг ғайриижтимоий хулқ-атворга эга тенгдошлариға эргашиши, уларнинг таъсиридан чиқа олмаслиги

- осон бойлик орттиришга интилиш;
- оғир моддий аҳволда қолганлик;
- енгил ва боқиманда ҳаёт тарзида ифодаланган бекорчилик ва бошқ.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, вояга етмаганлар томонидан хуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида қуйидаги таклфилар илгари суриласди:

- оиладаги муҳитни соғломлаштиришга, ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг болаларга салбий таъсир қўрсатишни бартараф этишга доир тадбирлар амалга ошириш;
- ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларга вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик, болаларнинг хулқ-атворига салбий таъсир қўрсатганлик ёхуд улар билан шафқатсиз муомалада бўлганлик оқибатлари тушунтириш;
- оилани яаш жойига бориб қўриш, тавсифловчи материалларни ўрганиш, соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари, таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари вакиллари, бошқа шахслар билан сұхбатлар ўтказишорқали ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг турмуш тарзи ҳамда нияти аниқлаш;
- вояга етмаганларга ижобий таъсир қўрсатишга қодир бўлган шахслар имколниятидан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш;
- вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарлик- ларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорликда вояга етмаганларни сақлаш, тарбиялаш, уларга таълим бериш, уларнинг бандлиги ва дам олишиниташкил этиш;
- вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаётган ёки лозим даражада бажармаётган ёхуд уларнинг хулқ-атворига салбий таъсир қўрсатаётган ёки улар билан шафқатсиз муомалада бўлаётган ота-оналар ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларга нисбатан қонун хужжатларида назарда тутилган таъсир чораларини қўллаш тўғрисида тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотларга белгиланган тартибда доимий равишда таклифлар киртитиб бориш;

Ушбу келтириб ўтилган таклифлар асосида тегишли соҳа хизматлари томонидан белгиланган вазифалар ижроси ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилса, шунингдек, вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши курашиш борасида ижтимоий профилактика жараёнига етарлича эътибор қаратилса, бундай



турдаги жиноятчиликнинг камайишига, ёшларнинг ўз келажаги ва жамият учун фойдали кадрлар бўлиб шаклланишига кватта ҳисса қўшилган бўлар эди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 7 декабрдаги ПҚ-34-сон “Ўзбекистон республикаси коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. <https://lex.uz>

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги 5005-сон “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2023 й., 7-сон,

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқий статистика марказининг 2023 йил 6 ойлик маълумотномаси.

4. Мирсалихова Г. А. Ривожланган хорижий давлатларда вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятчиликка қарши курашишнинг тартибга солиниши //so 'ngi ilmiy tadqiqotlar nazariyasi. – 2023. – Т. 6. – №. 1. – С. 5-15.

5. Мирсалихова Г. А. Вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши курашишда эҳтиёт чораларини қўллашнинг аҳамияти //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 13. – С. 160-165.

6. Мирсалихова Г. А. Тезкор қидирув фаолиятини ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш. Илмий мақола //Eurasian journal of law, finance and applied sciences <https://doi.org/10.5281/zenodo>. – Т. 7262974.

7. Мирсалихова Г. А. ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИГА ҚАРШИ КУРАШИШДА АЙРИМ ПРОЦЕССУАЛ ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИНИ ЎТКАЗИШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 12 Special Issue. – С. 141-146.

8. Таштемиров А. А., Калаув С. А. Йўл ҳаракати хавфсизлиги ривожланиш концепциясининг истиқболлари ва киберхавфсизлигини таъминлаш зарурати //barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali. – 2022. – Т. 2. – №. 8. – С. 245-250.

9. Таштемиров А. А. АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ОРҚАЛИ СОДИР ЭТИЛГАН ФИРИБГАРЛИК ЖИНОЯТЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШИШ САМАРАДОРЛИГИГА ЭРИШИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА ТАШКИЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 12 Special Issue. – С. 35-40.

10. Таштемиров А. А. Фирибгарликка имкон берувчи шарт-шароитлар ва ушбу турдаги жиноятларга тайинланадиган жазо тизимининг ўзига хослиги



//Евразийский журнал права, финанс и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 42-48.

11. Таштемиров А. А. Йулларда харакатланишни тартибга солишнинг хукукий жиҳатлари ва бу борада технологиянинг ахамияти //siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 111-115.

12. Таштемиров А. А. и др. Ижтимоий тармоқлар орқали содир этилаётган жиноятларга қарши курашиб чора-тадбирлари //Models and methods for increasing the efficiency of innovative research. – 2023. – Т. 2. – №. 21. – С. 24-31.

13. Таштемиров А. А. ТЕХНИК КРИМИНАЛИСТИК ЭКСПЕРТИЗА-АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ОРҚАЛИ СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЖИНОЯТЛАРНИ ФОШ ЭТИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ СИФАТИДА //O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI. – 2023. – Т. 2. – №. 21. – С. 12-19.

14. Таштемиров А. А. АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ОРҚАЛИ СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЖИНОЯТЛАРНИ ФОШ ЭТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА ТАШКИЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ //World of Science. – 2023. – Т. 6. – №. 6. – С. 169-175.

15. Таштемиров А. А. АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИБ СОДИР ЭТИЛГАН ФИРИБГАРЛИКНИ ФОШ ЭТИШДА ТЕЗКОР ХОДИМЛАРНИНГ ТЕРГОВЧИ ВА СУРИШТИРУВЧИЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИГИНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ //Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS). – 2022. – Т. 2. – №. 12. – С. 156-164.

16. Тоштемиров А. А. НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ ИЗУЧЕНИЕ МОДЕЛИ УПРАВЛЕНЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В ОРГАНАХ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ. – 2022.